



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 27 январь, № 18 (4933)

Чоршанба

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING BIRINCHI MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT



Тошкентда 26 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов мажлисни очиб, Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берди ва сайланган сенаторларни табрикларди. Сенаторлар кун тартибни тасдиқлаб, Сенат биринчи мажлисининг муваққат котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича муваққат назорат гуруҳини сайладилар. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов нутқ сўзлади. — Авваламбор, бугун сизлар билан мана шу муҳташам залда учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларни халқимизнинг катта ишончига, яъни Олий Мажлисининг юқори палатасига аъзо бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табрикларди, барчангизга ўзимнинг самимий хурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман, — деди давлатимиз раҳбари. Бугун Сенатнинг биринчи мажлисида қатнашаётган депутатлар — булар илгари ҳам сенаторлик вази-

фасини бажариб, тажриба топган халқ вакиллари бўладими, илк бор ана шундай юксак шарафга муносиб бўлган инсонлар бўладими, бундан қатъи назар, сизларнинг барчангиз қандай катта ҳаяжон ва кайфиятда эканлигини сезиш, кўриш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз. Ҳар қайси одамнинг ҳаётида унинг катта-кичик лавозимга кўтарилиши учун қанча ишонч билдирилмасин, инсон ҳар доим барибир ўзига нисбатан эл-юрт томонидан кўрсатилган ҳурмат-этиборни янгитдан ҳис қилиши, ўзгача ҳаяжонда, шукроналик ва миннатдорлик кайфиятида бўлиши табиий. Шу маънода, бугун мана шу залда тўпланган Сенат аъзоларининг аксарияти очиклик ва ошкоралик, ҳолислик ва ҳаққонийлик руҳида, кескин курашларда ўтган сайловларда ғолиб чиқиб, аввал маҳаллий Кенгашларга, кейин эса Олий Мажлисининг юқори палатасига сайланиб, қандай маъна танлов ва синовдан ўтганларини яхши англайдилар.

Айни пайтда бу ҳолат Сизларнинг зиммангизга нақадар улкан масъулият юклашини ва бу масъулиятни бажариш том маънода фаоллик ва фидойиликни талаб этишини ҳам яхши тасаввур қиласизлар, деб ишонаман. Сенатнинг янги таркиби ҳам профессионал, ҳам сиёсий, ҳам тайёргарлик нуқта кўйидаги рақамларни келтириш ўринлидир. Сенат янги таркиби аъзоларининг 94 нафари олий маълумотли бўлиб, уларнинг 18 нафарини иқтисодчилар, 9 нафарини юристлар, 23 нафарини муҳандис-техник ходимлар, 15 нафарини педагоглар, 8 нафарини тиббиёт ходимлари ташкил этади. Сенаторлар орасида 13 нафар фан номзоди, 8 та фан доктори, 2 нафар академик бор. Олий Мажлисининг юқори палатасига ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари, жамоат ташкилотларининг кўзга кўринган на-

мойналари аъзо этиб сайлангани, ҳеч шубҳасиз, Сенатнинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Утган беш йил мобайнида мамлакатимизда Сенат фаолиятини йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича катта тажриба тўпланганини ҳисобга олишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари ана шундай тажрибани орттиришда, Сенат кўлга киритган барча ютуқларга муносиб ҳисса қўшган, бу борада ўзини аямасдан меҳнат қилган Сенатнинг олдинги таркиби аъзоларига чуқур миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонимизни ҳар томонлама тараққий эттириш билан боғлиқ улғувор вазифаларни амалга оширишда, юртимиз тинчлиги, аҳолининг ҳаётининг яхши бўлиши, ҳалқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишда барчангизга чин қалбимдан катта муваффақият ва янги омадлар тилайман, деди Президентимиз. Утган давр мобайнида Сенат, аввало, олий вакиллик органи сифатида Ватанимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигини таъминлаш, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишларни амалга оширганини таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз раҳбари Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим камчилик-

лар, эътибордан четда қолган масалалар, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Ўз ишимизга ўзимиз танқидий баҳо бермасдан туриб, янгитдан шаклланган Сенатнинг вазифалари, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ислохотларимиз самарасини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган устувор йўналишларни белгилаб олиш мумкин эмас, деб таъкидлади Президентимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим этди. Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Илгизар Собировни, Раис ўринбосарлари этиб Мавжуда Ражабова ва Муса Ерниязовни сайладилар. Мажлисга раислик қилувчининг тақлифига биноан, сенаторлар Сенат кўмиталарини ташкил этдилар ва уларнинг раисларини сайладилар. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва этика масалалари бўйича комиссияси ҳам тузилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.



Сервар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар мамлакатимиз қонунларида белгиланган ваколатларини бажаришга киришдилар. Мухбиримиз сенаторлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг истиқболдаги фаолияти, ниятлари билан қизиқди.

МАҚСАД — ЮРТ РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

— Юртбошимиз ташаббуси билан икки палатали парламентнинг ташкил этилиши мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари, Сенат аъзоси Азим Латипов. — Хусусан, ўтган давр мобайнида қонунларда ҳудудларнинг манфаатларини ифода этиш, уларнинг ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб боришда Сенат кўламли ишларни амалга оширди. Эътиборлими шундаки, ҳозирда юқори палата маъқуллаган қонунлар мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда дастуриламал бўлаётди. Шу маънода айтганда, бугун биз — сенаторлар зиммасида масъулиятли вазифалар турибди. Давлатимиз раҳбари бугунги мажлисда қонунларни қабул қилиш босқичи, энг муҳими уларни ҳаётга татбиқ этиш эканлигини яна бир бор таъкидладилар. — Узоқ йиллардан бери таълим соҳасида меҳнат қиламан, — дейди Бувайда педагогика коллежи директори, Сенат аъзоси Раҳимхон Қўрғонова. — Сенатор сифатида таълим тизимига доир қонунлар муҳокамасида ҳам фаол қатнашиб, уларнинг ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Айни пайтда ўқув юртли билан корхоналар ўртасидаги алоқаларни

янада кучайтириш ҳақида мулоҳазаларим бор. Юртбошимиз сенаторлик нақадар шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли вазифа эканлигини ўринли таъкидладилар. Бу гапларни эшитиб, зиммамизда нечоғли катта юк турганимизни ҳис қилдик. — Президентимиз ҳар гал Сенат фаолиятига баҳо берганларида, унинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратади, — дейди Жиззах туманидаги "Кўёшсева Парда" фермер хўжалиги раҳбари, Сенат аъзоси Парда Зиятов. — Шундан келиб чиқиб, ушбу ваколат доирасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, мақсадимиз — аҳоли фаровонлигини ошириш, юртини янада обод қилишга қаратилган ҳаётий қонунларни маъқуллаш экан, ушбу йўлда бор куч-гайратимизни сарфлаймиз. Дарҳақиқат, сенаторлар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган. Улар мамлакат тараққийоти ва аҳолининг турмуш фаровонлигига хизмат қилдириш қонунларини муҳокама этиб маъқуллади ва уларнинг жойлардаги ижросини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликда назорат қилди. Табиийки, ҳамкорликдаги бу саъй-ҳаракатлар юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

Ҳамкорликни янада кучайтириш зарур

Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифий маркази ҳамкорлигида одам савдосининг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, одам савдосининг олдини олишга қаратилган меъририй-ҳуқуқий асос яратилиб, инсон шаъни, қадр-қимматига, эркига даҳл қилувчи, чегара

билмас ушбу жиноятга қарши кескин кураш олиб борилаётди. 2008 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ГЕПАТОЛОГИЯ ВА ИЛҒОР ТИББИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёраимиз аҳолисининг учдан бир қисми жигар ва ўт йўллари хасталикларидан азият чеқмоқда. Тиббий-ижтимоий ва экологик муҳитни барқарорлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида диагностика ва даволаш бўйича ягона стандартларни кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бу муаммо ечимининг муҳим йўлларидандир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган гепатобилиар тизимлар патологиясини даволашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияда ана шулар қайд этилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Терапевтлар уюмчаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббий

маркази ҳамда «Pharmed sanoat» фармацевтика компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда умумий амалиёт ва юқумли касалликлар шифокорлари, гастроэнтерологлар, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва маҳаллий фармацевтика корхоналари ишлаб чиқарувчилари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини сайлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Илгизар Матёкубович **Собиров** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси
М. АБДУСАЛОМОВ
Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ
М. А. Ражабовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Мавжуда Абдуллаевна **Ражабова** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси
М. АБДУСАЛОМОВ
Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ
М. Т. Ерниязовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Муса Тажетдинович **Ерниязов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси
М. АБДУСАЛОМОВ
Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 январь.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

аҳоли бандлигини таъминлайди ва турмуш фаровонлигини юксалтиради

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, шу орқали халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Маълумки, мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида ҳойлардаги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари қорихда бандликни кўмаклашувчи марказлар ташкил этилган. Жумладан, ҳозирги кунда Хоразмда 11 ана шундай марказ ва уларнинг маҳалла фуқаролар йиғинларидаги турғун пунктларида 111 нафар меҳнат инспектори фаолият юритмоқда.

Айтиш лозимки, ушбу марказлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан янги иш ўринларини яратиш, ишсизларни ишга жойлаштириш масаласини ҳамкорликда ҳал қилишмоқда. Айтиш лозимки, ушбу марказлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан янги иш ўринларини яратиш, ишсизларни ишга жойлаштириш масаласини ҳамкорликда ҳал қилишмоқда.

томонидан ишсиз фуқаролар рўйхати тузилиб, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантириб борилаётди. Шу билан бирга, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ҳамда иш берувчи ва иш изловчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ишлари ҳам ана шу марказлар томонидан амалга оширилмоқда.

Кувонарлиси, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, балиқчилик, асаларчилик, паррандчилик тармоқларини кенгайтириш, қурилиш майдонларини кўпайтириш ҳам муҳим аҳамият касб

этаяпти. Масалан, мазкур тадбирлар натижасида 2008 йилда 37 минг 110 та иш ўрни яратилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 59 минг 192 тага етди. Бир-

Қарор ва ижро

гина хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига 15 минг 209 та иш ўрни ташкил қилинган, айниқса, диққатга сазовордир.

Қишлоқ аҳолининг бандлигини оширишда чорвачиликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ўз самарасини бераётди. Қўнланган йилда Бандликка кўмаклашувчи жамғарманинг имтиёзли кре-

дитлари ҳисобига 444 та, ҳомийлар маблағи ҳисобидан 1 минг 483 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол берилиб, улар учун меҳнат дафтаралари очилганини айтиш кифоя.

Шу ўринда бандлик масаласини ечишда катта аҳамиятга эга бўлган яна бир омил хусусида тўхталишга тўғри келади. Бу касаначилиқдир. Ушбу соҳани ривожлантиришда Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Илриқ саноат қороналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизмат ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида касаначилар сафи кенгайиб, меҳнат бозори инфратузилмаси янада ривожланаётди. Эътиборли жиҳати шундаки, уй шароитида меҳнат қилиш аёллар учун қўлайлик туғдиришмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йили вилоятда 2

минг 601 та касаначилик ўрни яратилиб, улар томонидан бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

— Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг даромади ва турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами тобора кенгаймоқда, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Рўзимбой Қурбанов. — Бу борада, таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлиги ташаббусини билан тузилган ишчи гуруҳининг хизмати, мунтазам равишда ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларининг улуши салмоқли бўлаётди. Яқунланган йилда 59 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 8 минг 737 нафар киши иш билан таъминланганлиги шундан далолат беради.

Зеро, буларнинг бари Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилганини яна бир қарра исботлаб турибди.

Оббек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ
бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ҚАШҚАДАРЁ. "Шўртангазкимё" мажмуасининг "Термопласт" заводиди экинларни томчилатиб сугориш технологияси учун зарур жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Техамкор технология асосида

Корхона мутахассислари тайёрлаган дастлабки жиҳозлар ўтган йили сув тақчил бўлган чўп шароитида синовдан ўтказилди. Натижада томчилатиб сугорилган 103 гектар майдонда гектар бошига ўртача 38 центнердан пахта ҳосили олинди.

"Термопласт" жамоаси жорий йилда буюртма асосида 500 гектар майдондаги экинларни шу усулда сугоришга ихтисослашган технологиялар ишлаб чиқариш-ни режалаштирган.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ вилоятида ўтган йили балиқчиликка ихтисослашган 18 та хўжалик ташкил этилган эди.

Кредитлар — балиқ хўжалигига

Уларга тижорат банклари томонидан 190 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Айни пайтда хўжаликлар жамоалари 160 гектарлик сув ҳавзаларига 10 миллиондан ортиқ балиқ чавоқлари ташлаб, парвариш қилмоқдалар.

Айтиш лозимки, бу каби кенг қамровли сазй-ҳаракатлар натижасида вилоят бўйича эл дастурхонига ўтган йили 200 тонна балиқ етказиб берилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. "Вобкентексийгирувчи" унитар корхонаси иш бошлагани ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Экспорт салмоғи ортади

Лекин бу ерда тайёрланаётган қалава ип маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорини топтоқда. 97 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси қисқа муддатда 300 минг АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилишга улгурди.

Айтиш лозимки, "Вобкентексийгирувчи" тўла қувват билан ишлаб бошлагач, бу ерда йилга 4 минг тоннагача маҳсулот тайёрлаш имконини яратилади.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хамкорликни янада кучайтириш зарур

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида жойларда одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар тузилиб, фаолияти мувофиқлаштирилди.

Давра сўбатидида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар кўмиталари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иши самарадорлигини янада ошириш, мазкур тузилмаларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда одам савдосига қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

УЗУНКЎЛЛИКЛАР УЙ ТЎЙИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасининг беш туманида намунавий лойиҳалар асосида 100 та замонавий тураржой бунёд этилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Оролбўйида қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қурилиш жадал давом этаётди.



Арслон КАННАЗАРОВ олган суратлар.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси, "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институтининг Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари томонидан қиш-

лоқларда бунёдкорлик ишлари самарали амалга оширилмоқда. Айни чоғда намунавий лойиҳалар асосида 65,5 миллион сўм маблағ сарфланиб, бешта туманда 100 та замонавий тураржой бунёд этилмоқда.

Нукус туманидаги Узункўл аҳоли пунктда ҳам ана шундай 20 та уй-жой қурилмоқда. Айни пайтда ушбу иш-отларда қурилиш ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Нукусдаги "Қорақалпоқтаъмир қурилиш" жамиятига қараш-



ли 3-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тез орада тураржой эгаларига уйлар қурилиш топшириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда. — Ҳар бир уйни миқозининг талаби асосида сифатли қуришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди қурилиш бош-

Озод юртнинг обод уйлари

қармаси бошлиғи К. Қутлимуратов. — Бу ерда жорий йилнинг апрель ойига қадар жами 1 миллион 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилган эди. Шу кунга қадар 820 миллион сўмлик иш бажаришга эришилди. Асосий қурилиш материалли бўлган пишиқ гишт тумандаги "Оқмангит — Дунтай" қўшма корхонаси ва Хўжайли гишт заводидан келтирилди.

Овулда бунёд этилаётган уйлар бир ва икки қаватли бўлиб, маҳаллий иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда қурилмоқда. Қурилиш жадал суръатда олиб борилаётган объектда 250 нафар курувчи самарали меҳнат қилаётди. Замонавий эшик ва дераза ромлари пешма-пеш ўрнатилмоқда. Уйларга иситиш тизими ўтказилаётди. Томлар черепица билан ёпилмоқда.

— Замонавий лойиҳалар гистраль йўли бўйида бунёд этилаётган бу янги қишлоқда ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Табiiй газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти масалалари ҳам ўз ечимини топаётди. — Замонавий уйлардан бирига эга бўлаётганидан хурсандман, — дейди туман фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси Марат Сариев. — Шаҳардагидек барча қўлайликларга эга бўлган тўрт хонали уйга буюртма берганман. Унда маҳаллий шароит, оила аъзоларининг эҳтиёжлари инобатга олинган. Юртбошимизнинг ғамхўрликлари тўғрисида қишлоқлар қиёфаси йил сайин кўрамашиб бораётганидан беҳад мамнунимиз.

Узункўлда бунёд этилаётган янги уйларда тез кунларда ҳовли тўйларни нишонланади.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид Фармонда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётгани тиббиёт масканларида диагностика ишлари кўламини кенгайтириш билан бир қаторда жажон тиббиётининг илгор усуллари чуқур ўзлаштириш, соғлиқни сақлаш соҳаси-

ГЕПАТОЛОГИЯ ВА ИЛГОР ТИББИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

нинг турли йўналишларига доир илмий мактаблар фаолиятини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда тиббиётимизнинг турли йўналишлари, хусусан, гепатология соҳасида жажонда кенг қўлланилаётган даволашнинг далилий усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу диагностика ва даволаш ишларини ягона стандартлар асосида ташкил этиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда ижобий натижа бераётди. Жигар ва ўт йўллари касалликларининг олдини олиш, даволашнинг илгор усуллари яратиш ва ҳаётга таъбиқ этиш бўйича чуқур илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Илм-фан ютуқлари натижасида яратилган ва замонавий тиббиётга кириб келаётган янги шифо воситаларидан амалиётда кенг фойдаланилаётгани касалликларни самарали даволаш ва беморларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай шифобош препаратлар мамлакатимиз қороналар томонидан кенг ишлаб чиқарилаётгани ва даволашга таъбиқ этилаётгани тиббий хизмат сифати ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, «Pharmed sapot» фармацевтика компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган олтиш турга яқин замонавий тиббий препаратлардан даволашда кенг фойдаланилмоқда. «Цинарик» препарати бунга мисолдир. Олимларимиз ва мутахассисларнинг тадқиқотларида маълум бўлишича, табиий гивлар асосида яратилган «Цинарик» препарати инсон организмидеги ўзгаришлар ва шифобошадир. Шу боис ундан жигар ва ўт йўллари хасталикларини даволашда самарали фойдаланилмоқда.

Анжуманда сурункали гепатитни даволашдаги янги ёндашувлар, жигар ва ўт йўллари хасталикларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ҳамда даволашнинг замонавий технологиялари ва бу борада янги препаратларни қўллаш самаралари, жажон тиббиётининг ушбу йўналишдаги янгиликларига оид маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Хўжалик юритувчи субъектлар алоқалари шартномавий муносабатлар орқали тартибга солинади. Борди-ю, томонлардан бири шартномани ёки шартлардан бирини бажармаса-чи?! Унда бу масалани суд орқали ҳал этишга тўғри келади...

— Ҳамкорнинг субтисизлиги тўғрисида қўшимча маълумотларни олиш, шартномавий муносабатларнинг бузилиши маҳсулот ёки хом ашё етказиб бериш, молия муассасалари томонидан кредит ажратиш ва юк ташин амалиётида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Мисол учун, Поп туманидаги «Palma Textil» ва Тошкент шаҳридаги «Vf Textile Production» масъулияти чекланган жамиятларининг ўзаро муносабатларида ҳам келишимовчилик юзага келганлиги боис масала судда кўриб чиқилди.

Ҳақиллар шуни кўрсатадики, шартномавий муносабатларнинг бузилиши маҳсулот ёки хом ашё етказиб бериш, молия муассасалари томонидан кредит ажратиш ва юк ташин амалиётида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Мисол учун, Поп туманидаги «Palma Textil» ва Тошкент шаҳридаги «Vf Textile Production» масъулияти чекланган жамиятларининг ўзаро муносабатларида ҳам келишимовчилик юзага келганлиги боис масала судда кўриб чиқилди.

Ҳақиллар шуни кўрсатадики, шартномавий муносабатларнинг бузилиши маҳсулот ёки хом ашё етказиб бериш, молия муассасалари томонидан кредит ажратиш ва юк ташин амалиётида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Мисол учун, Поп туманидаги «Palma Textil» ва Тошкент шаҳридаги «Vf Textile Production» масъулияти чекланган жамиятларининг ўзаро муносабатларида ҳам келишимовчилик юзага келганлиги боис масала судда кўриб чиқилди.

ма умумий қийматининг 30 фоизини олинган, қолган қисмининг эса 30 банк иш кунини мобайнида тўлаши керак эди. Аммо мажбурият бажарилмаган. Натижада иш судга оширилди.

ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТИ

Жавобгар томон — «Palma Textil»нинг вакили юзага келган вазиятни ҳамкорлар етказиб берган маҳсулот сифати яқин бўлмаганлиги учун зарар кўрганликларини ҳамда Россиядаги ҳамкорларга жўнатилган ана шу маҳсулот учун ҳақ ололмаганликлари билан изохлашга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, маҳсулот сифатига эътироз бўлса, келишувга биноан, 20 кун ичида бунинг билдирилари керак эди. Бундан ташқари, Россиядаги «Тульский трикотаж» ОАЖ билан тузилган шартномадан Тошкентдаги корхона мутасаддиларининг умуман хабари бўлмаган. Аслида, шартнома тузилаётганда бу, албатта, бошқа ҳамкорларга ҳам қўрсатилиши керак эди.

Иш судда кўриб чиқилгач, баҳоналар четга сурилди. «Palma Textil» қарз, жарима, суд харажатлари ва давлат божини ҳам тўлайдиган бўлди.

Лафз

Айтиш лозимки, шартномавий муносабатларни бажармаслик ҳолатлари хизмат кўрсатиш ва таъминот қороналари муносабатларида ҳам тезтез кузатилаётди. Жумладан, вилоят «Сувоқова» давлат қоронаси «Водий индустрия қурилиш» МЧЖдан 1 миллион 372 минг сўмдан зиёдроқ қарз-ни ундириб олиш учун судга мувожаат қилади. Еки «Оқсарой» фермер хўжалиғи «Учқўрғонё» ОАЖдан 1,1 тонна шрот маҳсулотини вақтида ололмаган, Чуст туманидаги «Абдуназаров Аскаралӣ» фермер хўжалиғи «Қишлоқхўжалиқимё» акциядорлик жамиятидан 2 миллион 112 минг сўмлик маъданли ўғит олиб, тўловни амалга оширмаган, «Наманган 22-АТК» эса Чортоқ тумани йўл хўжалиғи пудрат таъмирлаш-фойдаланиш қоронасига 3 миллион 21 минг сўмлик хизмат кўрсатиб, узок вақт ҳақини ундиролмай келган. Натижада ушбу ҳолатлар ҳам судда кўриб чиқилгач, адолат қарор топди.

Маълумки, шартнома — томонларнинг имкониятлари инобатга олиниб тузиладиган ҳуқуқий ҳужжат. Унга кўра, ҳар икки томон шартнома шартларини таъминлаш қарорларини зиммасига олади. Қорхона раҳбарлари ушбу масъулиятни теран ҳис этишса, бу каби кўнгилсиз ҳолатлар қайташиб, шубҳасиз. Зеро, шартномада лафзсизлик кетмайди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу кунларда юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, дехқонларимиз киш кунларидан унумли фойдаланиб, янги йил ҳосилига пухта замин яратаятганига гувоҳ бўласиз. Кимдир шўр ювиши, кимдир ерни тўйинтириш, яна кимдир бошқа агротехника юмушларини бажариш билан банд.

АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИ

мавсумга ўз вақтида ҳозирлик кўришда муҳимдир

Зеро, дехқон биладикки, айни кунларда қилинган меҳнатнинг самараси юқори бўлади. Мисол учун, фарғоналик дехқонлар янги мавсум учун қишдан бошлаб ҳозирлик кўриш, шу орқали мўл ҳосил кўтаришга одатланишган. Ўтган йили кўлга киритилган натижалар бунинг тасдиқлаб турибди. Улар 700 минг тонна дон, 300 минг тонна пахта, 2 минг тонна «кумуш тола» етиштириб, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Фарғоналик дехқонлар янги мавсумда ҳам ушбу муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ниятидалар. Шу мақсадда вилоятнинг барча туманларида киши агротехника тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Кувонарлиси, мазкур тадбирлар ҳар бир худуднинг иқлим ва тупроқ шароитидан келиб чиқиб амалга оширилаётди. Масалан, Фурқат туманидаги «Шерали Ҳамзаев» фермер хўжалиғи экин майдонларининг аксарияти яқинда ўзлаштирилган. Шуни ҳисобга олиб, улар ҳозиргача ерни икки марта чилла суви ерда майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ти бўйларига экилган тераклар соясида қолган 5-6 метрлик майдон шўрланиб, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Дехқонлар бугун бунинг ҳам чорасини топишди. Улар уват четини ҳайдаб, сўнгра шўрини ювиб, унумдор ерга айланштиришмоқда. Натижада шу пайтгача эътиборсиз қолиб келган ҳар бир гектар майдондаги 10-15 сотих ернинг унумдорлиги оширилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий ўғитларни етарли миқдорда жамғариш фарғоналик дехқонларнинг диққат эътиборида турибди. Шу мақсадда хонадонлардаги маҳаллий ўғит, зовур бўйларидида қуйган тупроқ далага олиб чиқилмоқда. Хусусан, ўтган йили «Сарсонқум» чўлидаги қарьердан олинган 10 минг тоннадан зиёд тупроқдан фойдаланилган бўлса, бу йил уни икки баравар кўпайтириш режалаштирилган.

Қисқаси, фарғоналик миришкорлар қишининг ҳар кунини ганимат билиб, қишлоқ хўжалигининг муҳим агротехника тадбирларини изчил амалга оширмоқдалар. Зеро, дехқон учун киш фасли — иш фасли. Шу таъминда амал қилган фермергина ўз муродига етади.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мавсум

Узбекистон туманида ерларнинг увар

ЖАҲОН 24 соат ичида

Иқтисодиётга зарар етказилди

Буёқ Британиянинг фирибгарликка қарши курашиш агентлиги таҳлилларига қараганда, мамлакат иқтисодиёти ўтган йили товламачиликдан 30 миллиард фунт стерлинг миқдорида зарар кўрди.

Бундай қинғирликларнинг 58 фоизи давлат тасарруфидаги ташкилотлар, 31 фоизи эса хусусий сектор корхоналарида қайд этилган. Келтирилишича, кўзбўямачиликлар кўпроқ солиқларни тўлашда, шунингдек, сугурта ва ипотека тизимида кузатилади.

Вазиятдан чиқиш учун

Швециянинг "Ericsson" телекоммуникация корпорацияси ортқиҳа ҳаракатлари тежаш мақсадида ходимлари сонини қисқартиришини маълум қилди.



Бундан ташқари, Гап шундаки, "Ericsson" 2009 йилда 314 миллион крон (30,7 миллион евро) миқдорида даромад кўрган бўлса-да, ушбу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан анча пастдир. Яъни, 2008 йилда унинг даромади 3,89 миллиард кронни ташкил қилганди.

Кемалар тўқнашиб кетди

"AFP" ахборот агентлигининг хабар беришича, Мексика кўрфазидида иккита юк кемаси тўқнашиб кетган.

Кўнгилсизлик Порт-Артур бандаргоҳи яқинида содир бўлган. Натижада кемалардан бирининг бортида бўлган 450 минг галлон (қарийб 1,7 миллион литр) нефть сувга тўкилиб кетган. Фалокат содир бўлган ҳудудда сувни тозалаш тадбирлари олиб борилмоқда.

Қўпоровчилик ҳаракатлари содир этилди

Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида бир нечта қўпоровчилик ҳаракати содир этилди.

Бу ҳақда мамлакат Ички ишлар вазирлиги маълумотлари асосида "CNN" телеканали хабар тарқатди. Жумладан, "Фаластин", "Шератон", "Вавилон" ва "Хамра" меҳмонхоналарида портлашлар содир бўлди. Баъзи жойларда эса жангарилар ҳужум уюштирган. Оқибатда қирққа яқин одам ҳалок бўлган, жароҳатланганлар сони эса 70 нафардан ошиб кетган.

Ҳозирча бу қабилхиллар ортида ким тургани номаълум. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Фожиа сабаблари ўрганилмоқда

Маълумки, Ўрта ер денгизидида Эфиопиянинг "Ethiopian Air" авиакомпаниясига тегишли "Боинг 737-800" самолёти ҳалокатга учраган эди.

Айни пайтда фожиа сабаблари аниқланмоқда. Дастлабки таҳминларга кўра, фалокат ҳаво лайнери учувчисининг диспетчерлик пункти топшириқларини бажармаганлиги туфайли келиб чиққан. Ливан Мудофаа вазирлиги масъул ходимининг изоҳлашича, у ноқулай об-ҳаво шароитида самолётни бошқара олмаган. Натижада чақмоққа рўбарў келган.

Ёмғир туфайли сув тошқинлари

Перунинг сайёҳлар билан гавжум бўлган Мачу-Пикчу шаҳрида сув тошқинлари кузатилмоқда.



Натижада шаҳар инфра-тузилмасига жиддий зарар етди. Ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Вазият қаттислиги боис Мачу-Пикчуга Европа, Шимолий ва Лотин Америкасидан келган икки минг нафардан ортқиҳ сайёҳни хавфсиз ҳудудларга кўчиришга тўғри келди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантириш, аҳолини ушбу тармоқ маҳсулотлари билан таъминлашда наслчиликнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, наслчиликни ривожлантириш орқали оз маблағ ва кам куч сарфлаб, катта фойда олиш мумкин. Оддий мисол. Хонадонда кунига 5 литрдан сут берадиган 4 бош жайдарни сигирни асрагандан кўра, бир бош зотдор говмиш боқиб, 20 литр сут олиш афзал эканлигини чорвачиликдан йироқ киши ҳам яхши билади.

ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Бунда наслчиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, кейинги йилларда мамлакатимизда қорамол наслини яхшилаш ҳамда зотдор молларни хориж мамлакатларидан харид қилишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўзини оқлаб, сут ва гўшт етиштиришда мавйан натижалар кўлга киритилаётди. Аммо масаланинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик лозим. Гап шундаки, зотдор молларни келтиришдан олдин унинг маҳаллий шароит-

га мослашишини инобатга олиш зарур. Бу гапларни бежиз айтаётганимиз йўқ. Ўтган йили вилотимизга Польша ва Украинадан 1000 бошдан ортқиҳ "Қора-ола" ва "Қизил чўл" зотли сигир олиб келинган эди. Бироқ "Қора-ола"нинг шароитимизга мослашиши қийин кечиб, унинг парваришида айрим муаммоларга дуч келинган бўлса-да, мутахассисларимиз уларни маҳаллий шароитга мослаштириш учун

тинимсиз изланиб, ижобий натижаларга эришдилар. "Қизил чўл" зотли қорамол

Мулоҳаза

эса, маҳаллий шароитга тез мослашди. Шу сабабли, жамиятимизда 800 бош "Қизил чўл" зотли молни парваришляемиз. Уларнинг маҳсулдорлиги ҳам яхши: тез эт олади, суги кўтилган миқдорда. Гарчи, жамиятимиз насл-

чиликка ихтисослашган бўлса-да, бу ерда қўшимча тармоқни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, соҳани ривожлантириш учун қўшимча манбаларга эга бўлишни даврнинг ўзи тақозо қилаётди. Шу мақсадда ўтган

қайта ишлашни ҳам ўзлаштирдик. Ҳозир ана шу янги ҷеҳда бир нечта турдаги гўшт маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шунингдек, паррандачилик ва асаларичиликни йўлга қўйдик. Тез орада яна бир қатор қўшимча тармоқларни ташкил этиш ниятимиз бор.

Қисқаси, жамоамизнинг саъй-ҳаракати ва изланишлари туфайли салмоқли натижаларга эришиб келяпмиз. Хусусан, ўтган йили 50 миллион сўм соф фойда олдик. Табиийки, даромаднинг асосий қисмини наслчиликни янада ривожлантириш, ободончилик ва хайрия тадбирларига сарфляемиз. Зеро, бош мақсади-миз наслчиликни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишдан иборат.

Насрулло ХУДОЙБЕРДИЕВ, Касби туманидаги «Эл ризиқ-наслчилик» масъулияти чекланган жамияти раиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАК «Навоий электр тармоқлари» ОАЖ танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Навоий вилоти, Нурота тумани электр тармоқлари электр энергияси учун истезмолчилардан тўлов йиғиш вазифасини бажарадиган хусусий инвестор операторлар танловини ташкил этиш.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд: Навоий вилоти, Нурота тумани.

Танлов ташкилотчиси — «Навоий электр тармоқлари» ОАЖ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истезмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 22-уй, «Навоий электр тармоқлари» ОАЖнинг мажлислар зали. Малакавий танлов эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ариза қабул қилиш муддати тугагунга қадар давом этади.

Аризалар қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 29 январь соат 17.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати — 2010 йил 30 январь соат 14.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта ташкил этиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадида жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккиламчи ҳисоб рақамлари асосида, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;
- инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан берилган маълумотнома;
- инвесторнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланилган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидидаги инвесторлар танлов бўйича олинандиган махфий ахборотни ошқор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Навоий электр тармоқлари» ОАЖнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказадилар: «Санотқурилишбанк»нинг Навоий бўлими ҳисоб рақами: 20210000900306363001, МФО: 00207, СТИР: 200002553, ОКОНХ 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун «Навоий электр тармоқлари» ОАЖга мурожаат этиш керак.

Манзил: Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 22-уй. Мурожаат учун телефон: (8-436) 224-30-21.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдориди, гаров суммаси эса энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдориди белгиланган.

Танлов ҳужжатларини олиш учун иккинчи шахснинг тўловни амалга ошириши тақдирланади.

Танлов иштирокчилари танлов комиссиясига маълумот олиш учун (шанба ва яқшанбадан ташқари) ҳар куни соат 11.00 дан 17.00 гача танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар мурожаат этишлари мумкин.

SONATA Ўз йўлингни танла!

Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб 1 йил давомида амалга ошириш мумкин.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner

Tel. (8-371) 250-11-11

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS"

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHS

ҚОЗОНЛАРИ

ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суяқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

Махсулот сертификатланган.

Т.ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.

E-mail: chts.uz@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

"ALLIANCE INSURANCE"

масъулияти чекланган жамият шаклидаги сугурта ташкилоти

Танлов ҳужжатларини олиш учун иккинчи шахснинг тўловни амалга ошириши тақдирланади.

Табиий газ, суяқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

Махсулот сертификатланган.

Т.ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.

E-mail: chts.uz@mail.ru

kdb Korea Development Bank

UzKDB Bank

«ЎзҚДБ Банк» ЁАЖ юридик шахслар учун қуйидаги турдаги хизматларни таклиф этади:

Миллий валютадаги кредитлар

Муддати:

- қисқа муддатли кредитлар — 1 йилгача;
- узоқ муддатли кредитлар — 1 йилдан 3 йилгача.
- фоиш ставкаси — йиллик 13 фоиздан 18 фоизгача.
- Миқдори — 500 000 000,00 сўмдан 3 000 000 000,00 сўмгача.

Хорижий валютадаги кредитлар

Муддати:

- қисқа муддатли кредитлар — 1 йилгача;
- узоқ муддатли кредитлар — 1 йилдан 3 йилгача.
- Фоиш ставкаси — йиллик 8 фоиздан 10 фоизгача.
- Миқдори — 500 000,00 АҚШ долларидан 2 000 000,00 АҚШ долларигача.

Изоҳ: кредитлар хорижий валютада берилишида асосий эътибор юридик шахсларнинг валютани қайтариш қобилиятига қаратилади.

Манзил: 100015, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 32-уй. Телефонлар: (+99871) 120-80-00, қўшимча: 240/241/242/243. Факс: (+99871) 120-69-70.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК филтрлари, ИЗО муфтлари

Махсулот сертификатланган.

Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазееси, Ц-дахаси, 6-уй. Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чорраха.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ўқиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юксак марраларни эгаллаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бораёпти.

ЧЕМПИОНЛИК САРИ ЙЎЛ

Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежида тахсил олаётган Илхом Саидов — ана шундай ёшлардан бири. Олти йилдан буён Бухоро шаҳридаги 25-болалар ва ўсмирлар спорт-мактабида кўл жанги сирларини ўрганиб келаётган Илхом учун яқинда Россиянинг Кисловодск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати муваффақиятли бўлди. У 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални кўлга киритди.

— Бу галаба осонликча кўлга киритилгани йўқ, албатта, — дея мулоҳаза юритади спортчининг устози, тажрибали мураббий Темуэр Ғиёсов. — Шогирдм бунга қадар ҳам бир қатор мусобақаларда яхши натижа кайд этиб, мамлакат терма жамоаси сафидан ўрин олишга ҳақли эканли-

гини кўрсатган эди. Илхомнинг бевосита жаҳон чемпионатидаги иштирокига келсак, унинг финалдаги баҳсини алоҳида ажратиб кўрсатган бўлар эдим.

Финалга қадар уч спортчи билан беллашиб, улор устидан ишончли галабага эришган юртдошимиз ҳал қилувчи баҳсда қозогистонлик рақиб билан юзма-юз келди. Жангнинг дастлабки ҳолатимни сўз билан ифодалай олмадим. Муҳими, устозим, ота-онам, юртдошларимнинг ишончини оқладим. Умидли ёшлардан яна бири Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтида тахсил олаётган Жамол Омоновдир. Олот Олимпия захиралари спорт мактаб-интернатида дзюдо сирларини ўрганган бу йигит Чехия пойтахти Прага шаҳ-

рида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида голиб чиқди. Жаҳоннинг 73 мамлакатидан келган универсал жанг усталари, спорт мутахас-

лик қилган жаҳон чемпионатида Нигина Бозорова голиб чиқди. Жобир Тошпулатов эса Таиландда ўтган муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида тенгсиз эканлигини кўрсатди. Унаб спортчиларимиз Осиё ва халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда совриндорлар қаторидан ўрин олдилар. Бундан ташқари, 2009 йилда мамлакат чемпионати ва биринчиликларида иштирок этган спортчиларимизнинг 246 нафари биринчи ўринни эгаллади. 500 нафардан зиёд вақилимиз кумуш ва бронза медали соҳиби бўлишди. Биз айна пайтда вилоят ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ёшларимизни спортга янада кенгроқ жалб қилиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш чора-тадбирларини кўраямиз. 2012 йилда Лондонда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида бухоролик спортчиларнинг муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишлари ҳам аллақачон бошлаб юборилди.

Спорт

дим. Шохсупага кўтарилган пайтдаги ҳолатимни сўз билан ифодалай олмадим. Муҳими, устозим, ота-онам, юртдошларимнинг ишончини оқладим.

Умидли ёшлардан яна бири Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтида тахсил олаётган Жамол Омоновдир. Олот Олимпия захиралари спорт мактаб-интернатида дзюдо сирларини ўрганган бу йигит Чехия пойтахти Прага шаҳ-

кага меҳр қўйиб улғайиши ва пухта билим олишида энг мақбул усул эканлигига улар бизнинг фаолиятимиз билан танишган амин бўлмоқдалар.

Бугунги кунда таълим муассасамизда 600 нафардан зиёд ўғил-қиз билим оломоқда. Уларга боқиб, киши кўнгли умиддан ёришади.

МАДАНИЯТ

Хабарлари

Анджондаги Заҳриддин Мухаммад Бобур номли вилоят мусикали драма ва комедия театрида "Наврўз яллеси — 2010" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

НАВРЎЗ ЯЛЛАСИ КЎРИГИ

Ёшлик, баҳор, муҳаббатни тараннум этувчи яллалар янграган тадбирда шаҳар ва туманлардан келган бадий ҳаваскорлик жамоалари ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра, Булоқбоши тумани ижрочи ёшлари мутлақ голиб, деб топилди. Кейинги ўринлар Олтинқўл ва Пахтабод туманлари бадий ҳаваскорлик жамоаларининг хонандаларига насиб этди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НУРОНИЙ НИЯТИ — ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

Фаргона вилояти "Нуроний" жамғармаси ташаббуси билан "Нуроний нияти — ёш авлод камолоти" шиори остида кенг қамровли ҳаракат бошланди.

Унга кўра, нуроний отахонлар Баркамол авлод йили давомида вилоятдаги олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари ҳамда мактабларда "Фахрийлар куйлаганда", "Суллола давомчилари" каби бир қатор мавзуларда учрашувлар, кечалар ва давра суҳбатлари ўтказиладилар.

Белгиланган дастур доирасидаги дастлабки учрашув Риштон туманидаги кулол Алишер Назиров устaxonасида бўлиб ўтди. "Мен бобомнинг касбини улуглайман" мавзусида ўтказилган маъзур учрашувда А. Назиров кулоллик тарихи ва санъати ҳақида ёшларга сўзлаб берди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари фаолиятини ва милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда.

«АФРОСИЁБ» — НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Замон талаблари асосида қурилаган милиция таянч пунктлари атрофида турли тўрақлар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари ҳам барпо этилмоқда.

Профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кўмитаси, яраштриш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ҳамда зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Афросиёб маҳалласида жойлашган 115-милиция таянч пункти шулардан биридир.

Мазкур маҳалла аҳолисининг кўпчилиги қисмини ёшлар ташкил этади. Маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган спорт мактаби, маиший хизмат кўрсатиш маркази, интернет-кафе ва бошқа кичик бизнес шохобчалари уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, чинқиши ва касб-хунар ўрганишини кўзлаб ташкил этилган.

Шунинг учун ҳам Афросиёб маҳалласи милиция таянч пункти 2009 йил натижалари бўйича ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловидан пойтахтимиз бўйича биринчи ўринни кўлга киритди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ИНГЛИЗ ТИЛИ, МАТЕМАТИКА ВА ФИЗИКА
фанларидан тайёрлов курсларига таклиф этади.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (+998-97) 462-96-52



Мусикага ошно қалб соҳиби эзгу ҳислар оғушида камол топади. Зеро, бетакрор куй, гўзал мусика киши руҳини янгиликларга қодир. Шу маънода, айтишимиз мумкинки, навқирон фарзандларимиз кўнглида поклик, эзгулик каби чин инсоний фазилатлар илдиэ отишида мусика ва санъатнинг ўрни бекиёб.

ЭЗГУЛИККА ОШНО ФАРЗАНДЛАР

Юртбошимизнинг "Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда ёш авлоднинг мусиқий иқтидорини юксалтириш, ёшлар қалбиде санъатга муҳаббат уйғотишдек эзгу мақсадга ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган вазифаларга кўра, ёшларимизнинг миллий мусика санъатимиз, жаҳон мумтоз мусикаси ҳамда тасвирий санъатнинг бетакрор намуналаридан кенг

2010 йил — Баркамол авлод йили

Баҳраманд бўлиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Энг чека кишлоқ ҳудудларида камол топаётган истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш, жойларда бошланғич мусиқий таълим тизимини янада такомиллаштириш бугун биз, ўқитучиларни, қолаверса, бутун санъат аҳлини қувонтириши табиий. Чунки келажакимиз ворислари бўлиши жондан азиз фарзандларимизнинг энг замонавий шарт-шароитлар асосида таълим олиши, жаҳон миқёсидаги нуфузли танловларда истеъдодини намойён этиши ҳар биримизнинг дилмиздаги энг катта орзулардандир.

Биргина бизнинг лицей мисолида оладиган бўлсак, ўтган 2009 йилда 46 нафар ўқувчимиз халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли

наларини маҳорат билан ижро этганилари бизга чекисиз гурур бағишлайди. Бу, шубҳасиз, юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор, соҳада малакали мутахассислар фаолият юритиши таъминланганига ва энг муҳими, мусиқий таълимда узлуксиз тизимга асос солинганлигининг натижасидир. Қувончлиси, бугунги кунда биз эришаётган илҳомий кўрсаткичлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари мутахассисларини ҳам қизиқтирмоқда. Зеро, узлуксиз таълим тизимига ўтиш ёшларнинг болалиқдан муси-

қача йўл тутди. Яъни, у Олмаотага олиб борган йигитларнинг иш ҳақини олдидан олмади. Балки икки ой меҳнат қилиб, энди уйларига қайтмоқчи бўлиб турганларида йўлда текширишлар борлигини катлари учун айбдор, деб топилди. Жиноятига яраша жазо белгилаб, беш йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. "Косон" кишлоқ фуқаролар йиғинининг Юмаоқшайхмозор маҳалласида яшовчи Мухаммадали Каримов ҳам худди шундай жиноятни содир этганлиги учун суднинг қора қурсисига ўтиришига тўғри келди. У ўзига қўшни бўлган Чиндовул кишлоғидан ўн бир нафар фуқаронни алдаб, Қозогистонга олиб борган ва уларнинг паспортини олиб қўйиб, ўзларини Жавод исмли шахсга топшириб юборган. Уларнинг уч ой ишлаб топган жами 7 миллион 750 минг сўм ҳақи эса унинг жигидидан ўтиб кетди. Боз устига, тўрт нафар юртдошининг фуқаролик паспортини йўқолишига сабабчи бўлди. Шунингдек, туман суди Поп туманининг Кенгагас кишлоғида яшовчи Мансур Саматовнинг мазкур йўналишдаги жиноий ишини ҳам кўриб чиқди. У ўз ҳамқишлоқларидан етти нафарини Қозогистон Республикасининг Еттисой шаҳридаги ҳамтовқорларига сотиб юборган. Ёлланма ишчилар узоқ вақт оғир шароитларда меҳнат қилишларига қарамай, ҳақларини ололмаган. Ўз юртларига бир амаллаб қайтиб келишганидан сўнг, одамфурўшнинг жиноий қилмиши юзасидан тегишли идораларга арз қилишди.

Дилдора ЖАМОЛОВА, В. Успенский номдаги республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи директори.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Косонсой тумани суди қабиҳ ишга қўл урган уч нафар жиноятчининг қилмишини кўриб чиқиб, жиноятига яраша жазо тайинлади...

ИНСОН ҚАДРИНИ ТОПТАГАНЛАР

жазоланиши муқаррардир

Каримжон Насриддинов ўттиз уч ёшда. Айнан шу ёшдагилар ҳақида гап кетганда, тоғни урса талқон қилади, дейишади. Бироқ ғайратини ҳалол меҳнат қилишга эмас, балки ноқонуний йўл билан пул топишга сарфламоқчи бўлган бу кимса аввал Қозогистон Республикасида ишлаб, у ердаги аҳолининг паст-баландини ўргангач, манфур режа тузади.

Хорижда ишлаш истагида юрган кишилари Косонсойда ҳам топса бўлади. Улар Каримжоннинг кўзига мўмайгина пул манбаи бўлиб кўриниб, бу ҳаёл уни тинч қўймади. Шундай кунларнинг бирида шаҳар дорихонаси олдида Косонсой туманида яшовчи фуқаролар Аббосхон Авлиёев, Баходир Турсунов, Мухриддин Турсунов ва бошқаларни учратиб қолди. Пайтни бой бермай, Қозогистонда зўр таниши борлигини ва улар хоҳласа, ойига 300 доллардан ҳақ тўланадиган ишга жойлаб қўйишини айтади.

Игитлар мойиллик берганини сезган Каримжон дарров "отни қамчилади". Уларни айланма йўллар орқали Олмаотага олиб борди-да, Абдусаттор, Сулаймон,

Ҳамза, Жего ва Мусо исмли кишилар қўлга топириб, қўздан голиб бўлди. Дарвоқе, Каримжон у ердан "хизмати учун" ҳамда Ўзбекистондан олиб келинган йигитларнинг иш ҳақларини олдидан олишни унутмади. Аббосхон Авлиёев ва Зокиржон Каримовнинг 900 доллардан, Мухриддин Турсуновнинг 1200 АҚШ доллари

Огоҳлик

ларни чўнтагига урди. Халқимизда "Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деган аччиқ ибратомуз гап бор. Ўзга юртда оғир меҳнат эвазига топган пулларини ололмаган йигитларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишдан бошқа илоҳлари қолмади. К. Насриддинов юқоридаги ғайриқонуний хара-

Кўриниб турибдики, фуқароларни ўзга юртларга олиб бориб, улар меҳнатидан қулларча фойдаланишни ташкил қилган кимсалар охир-оқибат жазоланиши олишди. Зеро, қўлмиш — қидирмиш. Товламачиларнинг аянчли қисмати, шубҳасиз, бошқа қора ниетли шахсларга сабоқ бўлади. Бундай қабиҳ иллатнинг домига тушиб, азият чекаётганлар эса сизу бизга бегона эмас. Шундай экан, бундай ҳолатларга дуч келганда, ҳар биримиз зийрак бўлишимиз айна мудоаодир.

Анорбой ОЛИМОВ.

ОБ-ҲАВО

(27 январь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Тунда ва кундузи 1-6 даража совуқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 3-8 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолӣ қисмида эса тунда ва кундузи 1-6 даража совуқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 2-7 даража илқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 3-5, кундузи 8-10 даража илқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Тижорат корхоналари ва компаниялар диққатига!
Бухоро тиббиёт диагностика маслаҳат маркази
«Sitec-3000» русумли компьютер томограф аппарати
«VARIAN GS-1562/MX-115» русумли рентген трубка сотиб олиш ва уни ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.
Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой давомида куйидаги манзилда қабул қилинади: Бухоро ш., Б. Нақшбанд к., 61-уй.
Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: (8-365) 223-49-92, 223-68-17. Факс: (8-365) 223-06-16.

Халқ сўзи
Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғимиз — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ғофсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788
Тахриратта келган қўғазлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаяв ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — З. Ашурова. Мўсаҳдх — Ш. Машраббеов.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5